



**ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI**  
**SURXONDARYO VILOYATI HOKIMINING**  
**Q A R O R I**

Termiz shahri, At-Termiziy ko'chasi 1-uy. 190100, tel.: (+99876) 224-00-15, surxon@exat.uz, gov@sdv.uz

2021 -yil "26" mart

Қ-222 -son

Termiz sh.

**Ангор тумани Қ.Тўлаков массиви худудидан  
"PAULOWNIA ENERGY-SURXON" МЧЖга  
"Павлония плантацияси ва кўчатчилик  
питомниги" ҳамда енгил конструкцияли  
"Иссиқхона" қуриш учун ер майдони  
ажратиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 5-моддасига ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикаси боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида" 2019 йил 20 мартдаги 4246-сон қарорига асосан, вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2021 йил 12 февралдаги 05-02/86-сон йиғилиш баёни, Ангор туман ҳокимининг 2021 йил 12 январдаги 3/01-19-сон хатини инобатга олиб,

**Қ А Р О Р    Қ И Л А М А Н :**

1. Ангор тумани Қ.Тўлаков массиви худудидан "PAULOWNIA ENERGY-SURXON" МЧЖга туман ҳокимлиги захираси ер фондидан қишлоқ хўжалик харитасининг 13-дала контуридаги тупроқ унумдорлиги 48,6 балл бонитетли жами 16,87 гектар, шундан 16,22 гектар суғориладиган экин ер, 0,23 гектар сув ости, 0,07 гектар йўллар ва 0,35 гектар бошқа ер майдонлари, шундан 15,22 гектарига "Павлония плантацияси ва кўчатчилик питомниги" учун (30 йил муддатга) ижара ҳуқуқи билан ва 1,0 гектарига кўчат етиштиришга енгил конструкцияли "Иссиқхона" қуриш учун вақтинча (10 йил муддатга) фойдаланиш ҳуқуқи билан ажратилсин.

2. "PAULOWNIA ENERGY-SURXON" МЧЖ бошлиғи Х.Убайдуллаевга:  
иссиқхона қуриш учун ажратилаётган ер майдонидан фақат иссиқхона қуриш учун фойдаланиши;

етиштирган маҳсулотларни экспорт қилиши;  
мақсадсиз фойдаланилганда ажратиб берилган ер майдони туман ҳокимлиги захирасига қайтариб олиниши кўрсатиб ўтилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги Сурхондарё вилоят бошқармаси (М.Абдурахманов)га ажратиб берилган ер майдонидан самарали ва мақсадли фойдаланилишини доимий

назорат қилиб бориш ҳамда ер ҳисоботиға тегишли ўзгартириш киритиш юклатилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр палатаси Сурхондарё вилоят бошқармаси (С.Шаймарданов) ер чегараларини жойида (натурада) белгилашни амалга оширсин ҳамда ер участкасига бўлган ҳуқуқни давлат рўйхатидан ўтказилишини таъминласин.

5. Вилоят қурилиш бош бошқармаси (К.Эшматов) қонунчиликда белгиланган тартибда қурилиш ишларини лойиҳа-смета ҳужжатларига мувофиқлигини мониторинг қилиб борсин.

6. Мазкур қарор бир кун муддатда вилоят ҳокимлигининг расмий веб-сайтида ([surxondaryo.uz](http://surxondaryo.uz)) эълон қилинсин.

7. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳокимининг ўринбосарлари У.Турапов ва А.Орипов зиммасига юклансин.

Вилоят ҳокими



Т.Боболов